

**«Тасдиклайман»**

Хоразм вилояти Кўшкўпир туман

Халқ таълим бўлими мудири

М.У

К.Нурматов



## Буюртмачи

Хоразм вилояти Кўшкўпир туман Халқ таълим бўлимига  
қарашли мактабларга мебел, офис жихозлари, ва бошка  
техникалар тайёрлаш ва етказиб бериш бўйича

## Танлов хужжатлари

Урганч туман.

## Танлов хужжатларининг мазмунни

1. Танлов иштирокчилари учун йурикнома
2. Техник кисм.

## **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИКНОМАСИ**

Ушбу йурикнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Узбекистон Республикаси «Давлат харидлари тугрисида»ги Конунига асосан руйхатдан утказилган тартиби асосида ишлаб чикади.

### **1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ**

1.1 Хоразм вилояти Кўшкўпир туман Халк таълим бўлимига қарашли мактабларга мебел, офис жихозлари, ва бошка техникалар тайёрлаш ва етказиб бериш бўйича.

1.2 Техник топширик танлов хужжатларининг техник кисмда илова килинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича голиб чиккан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3 Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан 45 кун.

### **2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1 Узбекистон Республикаси Хоразм вилояти Кўшкўпир туман Халк таълим бўлими бундан кейин («Буюртмачи» деб аталади)-танлов ташкилотчиси хисобланади.

2.2 Танлов «Буюртмачи» томонидан танловлар утказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан утказилади.

2.3 Танлов Урганч туман мактабгача таълим булими биносида «Буюртмачи» томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

### **3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1 Танлов мулчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, барча юридик макомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2 Танловда иштирок этиш учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади.

-Танлов предмети кийматининг камида 20 фоизи микдоридаги айланма маблагларининг ёки курсатиб утилган маблагларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган меҳнат ресрслари ва мутахасисларнинг мавжудлиг;

-шартномалар тузиш юзасидан фукаролик-муомула хукукий лаёкат ва ваколатла;

-танлов обьектига ухшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

-уз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тугрисидаги маълумотлар;

-танлов обьектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган хажми:

- низом маблаг микдори.

3.3 Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият конунчиликка биноан литцензиялаптирилиши зарур булса, танловда

иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

3.4 Куйидаги талабгорларга танлов жараларида иштирок этишга рухсат берилмайди;

Кайта ташкил этилиши (ажратилиши, кушилиш) тугатиш ёки банкротлик арафасида турганларга;

-мол-мулки мусодара килинганлар хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий карамлиги мавжудлиги.

3.5 Танлов иштирокчилари талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха хужжатлари, хусусан лойихалаш графиги кисми (чизмалар) билан танишиб чикиш ва танлов Таклифни тузиш учун буюртмачига (танловташкилотчисига) (такдим этилиши хакида мурожат килишга хаклидирлар.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЕТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ**

4.1. Иштирокчилар уз таклифларини электрон куринишда ([etender.uztx.uz](http://etender.uztx.uz)) порталига электрон танловлар утказиш учун жойлаштириши керак.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар ''Буюртмачи'' ва ''Иштирокчи'' ихтиерига кура узбек тилида такдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов хужжатларида куйдагилар тақдим этилиши лозим.

- Техник кисим. ''Буюртмачи'' томонидан куйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши керак:

- Нархлар кисми. Танлов шартлари даб белгиланган нархлар доирасида хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошка бояглиқ курсаткичлар курсатиган булиши керак.

4.4. Куйдаги хужжатлар тулик булиши талаб этилади:

Техник ва нархлар буйича куйдаги таклифлар:

- Техник таклиф. Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва муҳрланган холда:

4.5. Танлов иштирокчиси:

- факт бита таклиф бериши мумкин:

-такдим этилаетган хужжатларнинг хакикийлиги ва маълумотларни хакконийлигига тулик жавобгар булади.

- таклифлар бериш муддати тугагунга кадар уз таклифларини кайтариб олиш еки узгартириш хукукигаэга.

#### **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

- 5.1. Давлат харидлари тугрисидаги конун талабларни бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар.
- 5.2. Харид комиссияси давлат харидлари буйича конунчиликда белгиланган тартибга солиб иштирокчиларни аниклаш ва асосланган карор кабул килиш буйича мажбурдир.
- 5.3. танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳакикийлиги ва тугрилигига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 6. БОШКА ШАРТЛАР

- 6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига узгартиришлар тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдинги карор кабул килишга хакли. Товарни (ишни ,хизматни ) узгартиришга йул куйимайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларини узгартиришлар киритилган санадан этиборан ун кун узайтирилиши керак. Шу билан бирвактда, хужжатларда курсатилган ахборот узгартирилган булса, танлов утказишдаги эълонга узгартиришлар киритилади.
- 6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов утказиш учун эълонда берилган тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суроў юборишига хакли. Суроў келиб тушгандан этиборан икки иш куни ичидан давлат буюртмачиси, агар маскур суроў давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган булса, ушбу суроўга белгиланган шакилда жавоб юборишшарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун мохиятини узгартирмаслик керак.
- 6.3. Таклифларни куриб чикиш ва баҳолаш баенномаси харид комиссиясининг барча аъзолари тамонидан имзоланади хамда ундан олинган кучирма у имзоланган кундан этиборан маҳсус ахборот ёрдамида эълон килинади.